

8. Abdurakhmanova G.K. et al. *Tourism 4.0: opportunities for applying Industry 4.0 technologies in Tourism.* // *Proceedings of the 6th International Conference on Future Networks & Distributed Systems.* 2022. C. 33-38.
9. Астанакулов О., Фойиназаров С. "Туризм 4.0": "Саноат 4.0" технологияларини туризм соҳасида қўллаш имкониятлари: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a51](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a51). // Iqtisodiyot va ta'lim. 2022. T. 23. № 3. C. 330-337.
10. Астанакулов О., Сохивова М. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув шароитида халқаро меҳмонхоналар тизимининг ривожланиши. // Общество и инновации. 2022. Т. 3. № 1. С. 49-56.
11. <https://yuz.uz/news/yangi-samarqand-voqelikka-aylangan-orzu>
12. <https://www.unwto.org/tourism-data/international-tourism-and-covid-19>
13. <https://www.atorus.ru/node/52405>. Мировой туризм в 2023 году восстановится на 95 %. Этому помогут китайские туристы.
14. [https://webunwto.s3.eu-west-1.amazonaws.com/s3fs-public/2022-09/UNWTO\\_Barom22\\_05\\_Sept\\_EXCERPT.pdf?VersionId=pYFmf7WMvpcfjUDuhNzbQ\\_G.4phQX79q](https://webunwto.s3.eu-west-1.amazonaws.com/s3fs-public/2022-09/UNWTO_Barom22_05_Sept_EXCERPT.pdf?VersionId=pYFmf7WMvpcfjUDuhNzbQ_G.4phQX79q)



## ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ТУРИЗМ ВА УНИНГ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШНИНГ БАЪЗИ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ



[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss5/a59](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a59)

**Махмудов Собир Худойбердиевич -**  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
“Туризм” кафедраси доценти, Phd

**Аннотация.** Мақолада тарихий-маданий туристик объектлардан фойдаланиш самараадорлигини аниқлаш муваммолари баён қилинган ва уларни ечими борасида таклифлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** туризм салоҳият, даромад, ялпи ички маҳсулот, меҳнат унумдорлиги, самараадорлик, модернизация, ишчи кучи, меҳнат бозори, тарихий обьект, туристик ресурслар.

## НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНОГО ТУРИСТИЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА

**Махмудов Собир Худойбердиевич -**  
Доцент кафедры “Туризма”, Phd,  
Самаркандканского института экономики и сервиса

**Аннотация.** В статье рассматриваются проблемы определения эффективности использования объектов историко-культурного туризма и предлагаются предложения по их решению.

**Ключевые слова:** туристический потенциал, доходы, валовой внутренний продукт, производительность труда, эффективность, модернизация, рабочая сила, рынок труда, исторические объекты, туристские ресурсы

## SOME PROBLEMS AND SOLUTIONS FOR DETERMINING THE EFFECTIVENESS OF THE USE OF HISTORICAL AND CULTURAL TOURIST POTENTIALS

**Makhmudov Sobir Khudoyberdiyevich -**  
Samarkand Institute of Economics and Service  
Associate Professor of the Department of Tourism, PhD

**Abstract.** The article reviews problems of determining the efficiency of use of objects of historical and cultural tourism and proposes relevant solution.

**Keywords:** tourism potential, income, gross domestic product, labor productivity, efficiency, modernization, workforce, labor market, historical site, touristic resources

**Кириш.** Туризм иқтисодиётнинг ўта даромадли ва уни жадал суръатларда ривожлантиришга қодир муҳим тармоғидир. Туризм жаҳон иқтисодиётида энг тез ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. У нефтни қайта ишлаш саноати ва машинасозликдан сўнг катта даромад келтирадиган учликнинг бири ҳисобланади. Туризм иқтисодиётга бир неча муҳим йўналишларда ижобий таъсир кўрсатади: биринчи-

дан, хорижий валюта оқимини таъминлаш, тўлов баланси ва ялпи экспорт каби иқтисодий кўрсаткичларни ўстириш; иккинчидан, аҳоли бандлигини ошириш; учинчидан, мамлакат инфратузилмасининг ривожланишини жадаллаштириш. Бугунги кунда туризмда ва унга билосита ҳамда бевосита хизмат кўрсатувчи тармоқларда дунё ишчи кучи ресурсларининг 60 фоизи меҳнат билан банд. Халқаро туризм таш-

килотининг маълумотларига кўра, дунё ЯИМнинг 11 фоизи туризм соҳасига тўғри кела-ди, лекин жаҳон асосий фондларидан улуши эса атиги 7 фоизни ташкил этади [1].

Туризм Ўзбекистон иқтисодиётининг янги ва энди ривожланиб, ўз мавқенини мустаҳкамлаб бораётган, шу билан бирга, истиқболи жуда пор-лоқ тармоқларидан бири. Туризм хизмат кўрса-тиш соҳаси тармоқларини комплекс тарзда жа-дал ривожлантиради. У соҳанинг бошқа тармоқ-ларидан шу жиҳати билан фарқ қиласди. Шу сабабли у мураккаб таркибий турлардан иборат.

Туризм тармоғининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тутган ўрнини баҳо-лашда бир неча макро-иқтисодий кўрсаткичлар-дан фойдаланилади. Масалан, ЯИМ ва экспорт таркибида туризмнинг улуши ва бошқа кўрсат-кичларни келтириш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар мамлакат иқтисодиётидаги туризм ривожланиши-ни ифодалаб беради. Бироқ туризм обьектлари-дан, унинг воситаларидан ва бошқа имкониятла-ридан қай даражада унумли фойдаланилаётани-ни кўрсатиб бермайди. Шундай кўрсаткичлар-дан фойдаланиш лозимки, у туризм ресурслари-дан қанчалик самарали фойдаланилаётганини кўрсатиб бериши керак. Амалдаги макро ва ми-кроиқтисодий кўрсаткичлар тизими туризмнинг фақатгина ривожланишини акс эттиради. Маса-лан, меҳмонхона хўжаликларидаги меҳнат унум-дорлиги кўрсаткичларидан ходимлар ишини баҳолашда фойдаланиш мумкин ва шу орқали ҳам самарадорликни аниқласа бўлади. Шунинг-дек, спорт туризми, таълим туризми ва шу каби бошқа туризм турлари самарадорлигини ҳисоблаш ҳам қийин эмас. Аммо тарихий-маданий ту-ризм обьектларидан самарали фойдаланилаёт-ганлигини ҳисоблаш, назаримизда, бир мунча мушкул. Тарихий-маданий туризм узоқ ўтмиш давомида тарихий обидалар, маданий мерос, авлод-аждодлар томонидан яратилган билим-лар шаклидаги миллий бойликлардан ташкил топади. Улардан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблашда қийинчиликларга дуч келинади. Шунинг учун биз тарихий-маданий туризмни ривожлантириш орқали самарали фойдаланиш тушунчасининг иқтисодий мазмунини, моҳияти-ни очиб беришга уриниб кўрмоқчимиз.

**Адабиётлар таҳлили.** Туризмни ривож-лантиришнинг умумиқтисодий муаммолари бў-йича хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан бир қанча илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилган. А.Алонсо, Ю.И.Зорин, Н.Зайцева ва бош-қаларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир. Ушбу олимлар, асосан, тарихий-маданий туризм-нинг назарий асосларини, уни ривожлантириш-нинг амалий муаммолари ва тенденцияларини тадқиқ этишган. Республикамиз иқтисодчи олимларидан Н.Т.Тухлиев, М.М.Мухаммедов,

О.Х.Ҳамидов ва бошқалар мамлакатимизда ту-ризмни ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари, бошқариш усуллари, туризм соҳаси-да бозор муносабатларининг шаклланиши ва унинг тармоқ самарадорлиги кўрсаткичларига таъсири, экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш бў-йича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган. Лекин юқорида номлари келтирилган хорижлик ва маҳаллий олимлар томонидан амалга оши-рилган илмий ишларда тарихий-маданий ту-ризмнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва уни ривожлантириш, улкан салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг услубий жиҳатлари ёритиб берилмаган.

В.А.Квартальный маданий-тарихий ту-ризм – бу маълум бир мамлакатнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, маънавий ва диний қадриятлари билан танишиш учун мўлжаллан-ган туризм туридир, деб ҳисоблайди [2].

В.А.Черненко, Т.Ю.Колпащиковалар томо-нидан маданий туризм “мураккаб ҳодиса” сифа-тида таърифланиб, у сайёҳнинг ўз мамлакати худудидан бошқа мамлакатга унинг маданияти билан танишиш учун жўнашини англатишини ва унинг натижасида, шахснинг маданий компетен-цияси, ўз-ўзини англаш ва фазовий дунёда мада-ний жиҳатдан ўз-ўзини белгилашини шакллан-тиришга хизмат қиласди, деб таъкидлайдилар[3].

Маданиятшунослик фанлари номзоди С.А.Красная маданий туризмни “чет эл” мадания-ти билан танишиш ва ушбу маданиятни англаш жараёни сифатида тарифлайди, унинг натижаси-да шахсларнинг бошқа халқлар ва миллатлар-нинг тарихий ва маданий анъаналари, урф-одат-лари ва моддий маданияти намоён бўлишининг бошқа шаклларига қизиқишлирини кенгайтира-ди, деб фикр билдирган [4].

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамла-катлари олимлари Г.А.Карпова ва Л.В.Хоревалар-нинг фикрича, “тарихий ва маданий туризм – бу индивидларнинг замонавий ахборот, тажриба ва таассуротлар олишга қаратилган маданий эҳтиёжларини қондириш учун уларнинг доимий яшаш жойидан ташқарида бўлган ва маҳаллий аҳолининг тарихий мероси, инновацион бадиий ижод ва ижрочилик санъати, анъанавий қад-риятлари, фаолият турлари ва кундалик турмуш тарзини ўзида акс эттирувчи маданий жиҳатдан диққатга сазовор жойларга, шу жумладан, мада-ний тадбирлар, музейлар, тарихий жойларга, бадиий галереялар, мусиқали ва драма театрла-рига, концерт майдончаларига боришга бўлган қизиқиши билан боғлиқ ҳаракатланишидир” [5].

Е.И.Лелина эса ушбу туризм турига қўйи-даги таъриф берган: «тарихий ва маданий туризм – туристларга бадиий-эстетик таассурот-лар олиш, тарихий-маданий билимлар ва ба-

дий-эстетик ҳис-туйғуларни әгаллашини рафбатлантиришга асосланган эксперсия дастурларини таклиф этувчи туризм» [6].

О.А.Халява ушбу масалада қўйидагича мулоҳаза юритади: «маданий туризм – туризмнинг тури бўлиб, унинг мақсади маҳаллий аҳолининг маданияти ва маданий мұхит, шу жумладан, ландшафт, аҳолининг анъаналари ва турмуштарзи, маданияти ва санъати, дам олиш фаолиятининг турли шакллари билан танишишдир. Маданий туризм маданий тадбирларга, музейларга, маданий мерос объектларига ташрифлар ва маҳаллий аҳоли билан алоқаларни ўз ичига олиши мумкин» [7].

Е.В.Колотова «тарихий-маданий туризм – бу мамлакатнинг имкониятлари, шу жумладан, урғ-одатлари, ижтимоий-маданий мұхит, маиший ва иқтисодий фаолиятидир», деб таъриф бериб, уни мамлакат жадал ривожланишининг имкониятлари сифатида қараган. Ушбу таърифда тарихий-маданий туризм фақат туристларни қабул қилувчи мамлакат манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашилган, саёҳатчининг мақсад ва хатти-ҳаракатлари эса эътибордан четда қолиб кетган. [8].

Адабиётларда иқтисодий самара ишлаб чиқариш фаолияти жараённида қўлга киритилган натижани ушбу натижага эришиш учун барча сарфланган ресурслар сарфига нисбати сифатида талқин этилган. Одатда корхона ёки ташкилот кластер, тармоқ, минтақада мамлакат дараҷасида иқтисодий самарадорлик корхона (фирма) ёки ташкилот фойдасини, минтақада ёки мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот ҳажмини, яъни натижани олиш учун сарфланган барча ресурслар (табиий ресурслар, меҳнат ресурслари, капитал) сарфларига солиштириш асосида аниқланади. Иқтисодий самарадорликни, олингандан натижани алоҳида ресурслар сарфларига нисбатан таққослаш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин. Ушбу мақсадларда меҳнат унумдорлиги, меҳнат сифимилиги (меҳнат ресурслари сарфларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда), фонд қайтими, фонд сифими (асосий фонdlар иқтисодий самарадорлигини баҳолашда), ернинг ҳосилдорлиги, ернинг иқтисодий унумдорлиги (ер ресурсларидан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини баҳолашда) ва бошқа кўрсаткичлар, масалан, рентабеллик ҳам қўлланилади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараённида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли, қиёсий ва омилли таҳлил, илмий абстракция, социологик сўров ва бошқа усувлардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистоннинг денгизлардан узоқ масофадаги ўзига хос географик ўрни ва жаҳоннинг ривожланган иқтисодий

марказлари билан сув транспорт алоқаларининг йўқлиги мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимида интеграциялашувини муайян даражада чеклайди. Шу сабабли қўпчилик тадқиқотчилар ҳақли равишда туризмни Ўзбекистон тараққиётининг энг мухим заҳираларидан бири, деб ҳисоблайдилар. Энг мухими, Ўзбекистон ўзининг бой ва кўп жиҳатдан ноёб тарихий-маданий мероси туфайли иқтисодиётнинг ушбу секторини ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Шунингдек, Ўзбекистонда туристик манба сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бетакрор гўзал табиати, ландшафти (саҳро, чўл-адирлар, тоғлар, пасттекисликлар), хилма-хил ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда жаҳон аҳамиятига эга бўлган археологик топилмалар, палеонтологик қолдиқлар ҳам мавжуд. Ушбу тарихий элементлар (топилмалар) сайёҳларни жалб этишда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларнинг кўплиги ва улардан самарали фойдаланиш орқали иқтисодиётни юксалтиришга кучли таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатда тарихий-маданий туризмни ривожлантириш бошқа туризм турларига қараганда фойдалироқ бўлади, деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистонда туризм саноатини жадал ривожлантириш, жумладан, тарихий-маданий меростга пухта муносабат, ҳалқаро стандартларга тўла жавоб берадиган инфратузилмани яратиш ва ҳалқаро алоқаларни мустаҳкамлаш минтақамизни дунёнинг энг кўп ташриф буорадиган ва туризмни даромаднинг асосий манбаларидан бирига айлантира оладиган мамлакатларидан бирига айлантириши мумкин.

Тадқиқот мавзусидан келиб чиқсан ҳолда, иқтисодий самарадорлик, унинг моҳияти, баҳолаш йўллари каби мураккаб масалаларга батағсил тўхтатилиб ўтирасдан, тарихий-маданий туризм соҳасида иқтисодий самарадорликнинг назарий ва амалий муаммоларига жиддий эътибор қаратишга, ушбу мұхим масала оид баъзи фикр-мулоҳазаларимизни, ёндашувларимизни ёритиб беришга ҳаракат қылдик. Бунда биз, биринчи навбатда, тарихий-маданий туризм соҳасида иқтисодий самарадорликни баҳолашда зарур бўлган кўрсаткичларни, яъни ўзаро таққосланадиган натижага ва сарфлар миқдорини аниқлаш муаммосига дуч келдик. Шартли равишида тарихий-маданий туризм соҳасидан олингандан натижага сифатида ушбу туризм тури бўйича ички ҳамда ташқи, яъни хорижлик сайёҳлардан келган ялпи даромадларни олиш мумкин. Шунингдек, тарихий-маданий туризм объектларига қилинган сарфларни ҳисоблаш мумкин, дейлик. Ушбу кўрсаткичларни таққослаб, тарихий-маданий туризм ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳисобладик ҳам дейлик. Бироқ ушбу

туризм туридан олинган натижа меҳмонларнинг фақат туристик хизматларга тўловлари билан чегараланиб қолмайди. Туризм бошқа тармоқлар – савдо, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, саноат ва ҳоказолар фаолиятини кенгайтириш учун ҳам катта мультиплектив самара, яъни ижобий натижа беради. Шунинг учун ҳам уларни инобатга олиб ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир. Назаримизда, тарихий-маданий туризм соҳасида иқтисодий самарадорликни ўлчашда энг оғир масала олинган натижа учун тарихий-маданий обьектларнинг сарф-харажатлар ҳажмини аниқлашдан иборат. Бир неча аср муқаддам бунёд этилган ва бугунги кунда туристик обьект бўлиб хизмат қилаётган масжид, мадраса ёки бошқа бир тарихий иншоотни қуриш учун қанча ресурс сарфланганлигининг қиймат ўлчовини аниқлаш дарё тубидаги тошларни санаш билан баробар. Чунки ўша даврларда сарфланган меҳнат ёки бошқа ресурс турлари ҳажмининг қиймат ўлчови ҳақида бизда аниқ маълумотлар йўқ.

Иқтисодий нуқтаи назардан, айтайлик, бундан 500 ёки 1000 йил муқаддам бунёд этилган иншоотнинг ресурс сарфлари ва қийматини ҳисоблаш бўйича қандайдир ёндашувлар ишлаб чиқиш ва кенг муҳокама этиш учун таклиф этиш мумкиндир. Лекин бу ерда неча юз йиллар муқаддам бунёд этилган иншоотнинг, туристик обьектнинг ресурс сарфлари нуқтаи назаридан қанчага тушганлигини ҳисоблаб чиқиш бугунги кун иқтисодий жумбоқларни ечиш, жумладан, уларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этадими, деган саволга жавоб беришга тўғри келади. Бу ерда яна шуни ҳам назарда тутиш керакки, ўтган замонларда бунёд этилган тарихий обидаларнинг қиймати, аникроғи, уларнинг туристик обьект сифатида ги жозибадорлиги, қадри турли обьектларда турлича ўзгарган.

Айтиш ўринлики, тарихий манбаларга таяниб тарихий-маданий обьектларни қуриш учун жалб этилган кишилар, уларнинг иш ҳақлари, фойдаланилган хомашё баҳосини ҳисоблаб туристик обьектнинг қийматини аниқлаш мумкин. Бироқ бу ҳақдаги маълумотлар бизгача етиб келмаган ҳамда самарадорлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмаган. Шу боис, тарихий-маданий обидалар қуриш билан боғлиқ сарфлар тўғрисида аниқ ва тўлиқ маълумотлар йўқ. Шу сабабли бўлса керак, тарихий-маданий туристик салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаш масалалари иқтисодчи олимлар эътиборидан четда қолиб кетган. Зоро, тарихий-маданий обьектларни қуришда моҳир усталардан ташқари қуллардан ҳам фойдаланишган. Улар фақатгина бошпана, озиқ-овқат билан таъминланган. Масалан, Шерғозихон Машҳадга қилган юриши даврида 5000 дан зиёд асир олиб келган.

Улар қул сифатида Шерғозихон мадрасаси қурилишида ишлатилган. Шунингдек, тарихий-маданий обьектни қуришда улар даромад топишни назарда тутишмаган. Баъзи тарихий маълумотларга қараганда, кўпгина мадраса ва масжидларни сарой аёнлари ўз маблағлари ҳисобига қуришган. Исломхўжа ўз номидаги мадраса учун вакф сифатида ерларидан 14 минг 451 таноб ер ажратган. Улар даромад топишни назарда тутишмаган. Ўша даврларда тарихий-маданий обьектларни қуриш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда зарурат сезмаган. Назаримизда, ўша даврларда тарихий-маданий обьектлар фақатгина ижтимоий аҳамият касб этган. Муайян йиллар ўтганидан сўнг уларнинг тарихий-маданий қиймати юксалиши, туризм ривожланиши асносида бундай иншоотлардан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаш тартиби ишлаб чиқила бошланди.

**Хулоса ва таклифлар.** Биз тарихий-маданий обьектлар самарадорлигини аниқлашда, агар улар бир неча асрга тааллуқи бўлиб, қуриш ишлари билан боғлиқ сарфлар ҳисобини юритиш имкони бўлмаса, самарадорликни мутлақ кўрсаткичларда ҳисоблашни тавсия этамиз. Бунда тарихий-маданий обьектга ташриф буюрувчилар сони ҳисоблаб чиқиласди. Уни тиклаш ва ободонлаштириш учун сарфлар ҳисобга олинмайди. Гарчанд бу тарихий-маданий обьектнинг самарасини ҳисоблашнинг оддий усули бўлса-да, ушбу обьектга ташриф буюрувчиларнинг камайиб ёки кўпайиб бораётганини кўрсатиб бера олади. Ташриф буюрувчилар сони йилдан-йилга кўпайиб борса, тарихий-маданий туристик обьект самара бераётгани англашиласди. Аксинча бўлса, тарихий-маданий туристик обьект самара бермаётгани кўринади. Тарихий-маданий туристик обьектларнинг самараси фақатгина ундан тушаётган даромад ёки ташриф буюрувчилар сони кўпайишида эмас, балки аҳолининг тарихий-маданий обьектларни асраб-авайлаш, тарихни билишга қизиқиши ортиб боришида ҳам намоён бўлади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, туристик салоҳияти мавжуд кўпгина шаҳарларда туризми ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган асосий омил – уларда туристларни қабул қилиш ва жойлаштириш инфратузилмасининг заиф ривожлангани билан боғлиқ. Айниқса, қишлоқ жойларида тарихий-маданий туризм обьектларини туризмга жалб этишда инфратузилма муаммоси янада кескинлашади. Тарихий-маданий туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда тизимли ёндашиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Унда ҳар бир даража хусусияти ва тармоқда тутган ўрнига мос келадиган мезон ва кўрсаткичлар ишлаб чиқишида уларни ҳисоб-

китоб қилиш ва амалда қўллаш усуллари яратилиши лозим.

Салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлиги қўйидаги даражаларда аниқланиши мақсадга мувофиқ:

- мамлакат миллий иқтисодиётининг таркибий қисмларидан бири сифатида тармоқ даражасида (макродаражা);
- алоҳида миңтақа даражасида;
- туристик корхона (ташкилот) ёки туристик объект даражасида (микродаражা).

Бизнингча, тарихий-маданий обьектларнинг салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда унга таъсир этувчи бир қатор омилларни ҳисобга олиш лозим.

Тарихий-маданий туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар қаторига қуйидагиларни қўшиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Масалан, туристик корхоналар салоҳиятини (кадрлар салоҳияти, молиявий салоҳият, техник салоҳият), меҳмонхоналар ва уларнинг ўринлар сонини, тарихий-маданий обьектларнинг фойдаланилаётган ва фойдаланилмаётган қисмларини (фаол ва нофаол), тарихий-маданий ресурсларнинг аниқланганлик ва аниқланмаганлик даражаларини, тарихий-маданий ёдгорликлар ҳолатини (тикланадиган ва тикланмайдиган) каби омилларни инобатга олиш лозим бўлади.

#### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. <https://www.unwto.org/>
2. Зорин И.В., Кварталнов В.А. Туристика: Монография. – М.: Советский спорт, 2001. – 288 с.
3. Черненко В.А. Развитие культурно-познавательного туризма в Северо-Западном федеральном округе Российской Федерации / В.А. Черненко, Т.Ю. Колпацкова. – СПб. : Изд-во СПбГУСЭ, 2012. – 210 с.
4. Красная С.А. Культурный туризм (просветительская сущность и факторы развития): Автореф. дис. канд. культурологии. – М., 2006. 26 с.
5. Карпова Г.А., Хорева Л.В. Экономика и управление туристской деятельностью. – М.: «Экономика», 2011. – С. 135.
6. Лелина Е.И. Историко-культурный туризм в современном образовательном пространстве./ Е.И.Лелина, А.А.Тереханова //Альманах современной науки и образования, 2016. – №7. – С.56-63.
7. Халяева О.А. Социокультурные и правовые основания развития культурного туризма. /О.А.Халяева// Гуманитарные ведомости ТГПУ им.Л.Н.Толстого, 2015. – №1. – С.120-132.
8. Колотова Е.В. Рекреационное ресурсоведение: Учебное пособие для студентов, обучающихся по специальности "Менеджмент". – М., 1999. – С.92-93.
9. А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев. Иқтисодиёт назарияси. Т.: "Меҳнат" нашриёти 1995 й., 526-б, А.Ўлмасов, А.Ваҳобов. Иқтисодиёт назарияси. Т.: "Иқтисод ва молия" нашриёти 2014 й., 424-б, Мұхаммедов М.М. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т.: "Фан ва технология" нашриёти, 2018 й., 272-б, Жўраев Т., Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Т.: "Шарқ", 2015 й., 396-б.
10. Пардаев М.Қ., Холиқулов А.Н., Раҳимов Ҳ.А. Меҳмонхона хўжаликларида самарадорликни ошириш муаммолари. Монография.-Т.: "Иқтисодиёт", 2013 й., 212-б.
11. Пардаев М.Қ., Астанакулов О.Т. Функционал қиймат таҳлилини такомиллаштириш ўйлари. Монография.-Т.: "Фан ва технология", 2013 й., 248- бет. 169-б. Раҳимов А.А. "Йўловчи ташиби хизматлари самарадорлигини ошириш ўйлари"/// Монография.-Т.: "Наврӯз" нашриёти ДУК, 2012 й.



## ТУРИЗМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА "ТУРИЗМ" ВА "ЭКОТУРИЗМ" ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

**Махмудова Азиза Пирмаматовна -**  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,  
"Туризм" кафедраси доценти

[doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss5/a60](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a60)

**Аннотация.** Мамлакатимизда туризм самарадорлигини оширишда "туризм" ва "экотуризм" тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти туризм самарадорлиги қўрсаткичлари асосида ёритилган.

**Калит сўзлар:** Туризм, экотуризм, самарадорлик, туристик ресурслар, мультиплекатив самарадорлик, туристик-рекреацион хизматлар, юмшиқ туризм, яшил туризм.

## СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ ПОНЯТИЙ «ТУРИЗМ» И «ЭКОТУРИЗМ» В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ТУРИЗМА

**Махмудова Азиза Пирмаматовна -**  
Доцент кафедры «Туризма» Самаркандинского  
института экономики и сервиса

**Аннотация.** В целях повышения эффективности туризма в нашей стране поясняется социально-экономическая сущность понятий «туризм» и «экотуризм» на основе показателей эффективности туризма.

**Ключевые слова:** Туризм, экотуризм, эффективность, туристические ресурсы, мультиплекативная эффективность, туристско-рекреационные услуги, мягкий туризм, зеленый туризм.